

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

233 Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхона-ларига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1704-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 14 июлдаги 19/1-сон қарори (рўйхат рақами 1704, 2007 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 март,
№ 4/1

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
4 мартдаги 4/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан тўқимачилик
корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи
савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга
револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл);».

2. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўн» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк томонидан қарор қабул қилинган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган муддатда, қарз олувчига кредит беришнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ёзма хулоса жўнатилади.».